



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2025 yil «14» fevralь

№ ПҚ–61

Олий таълим ташкилотлари битирувчиларининг ишга жойлашишига кўмаклашиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Ёшларнинг бандлигини таъминлаш, олий таълим ташкилотлари битирувчиларининг меҳнат бозорига интеграциясини кучайтириш, хусусий сектор ва тижорат банклари иштирокида кадрлар тайёрлаш жараёнини такомиллаштириш мақсадида:

1. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ва “Ўзмиллийбанк” АЖнинг олий таълим ташкилотларининг битирувчиларининг ишга жойлаштиришига кўмаклашишга қаратилган қўйидагиларни назарда тутувчи “Келажакка қадам” дастурини (кейинги ўринларда – Дастур) амалга ошириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин:

а) ўз бизнес ғояларини амалга ошириш истаги бўлган олий таълим ташкилотларининг битирувчи босқич талабалари учун “Ўзмиллийбанк” АЖ томонидан бизнес ғояни тайёр лойиҳагача олиб бориш жараёнида тўлиқ ҳамроҳлик қилиш, шу жумладан қулай шартларда молиялаштириш;

б) олий таълим ташкилотларининг битирувчи ва қўйи босқич талабалари ўртасида соҳалар бўйича очиқ танловлар ўтказиш ва ғолибларни иш билан таъминлашга кўмаклашиш. Бунда:

салоҳиятли иш берувчи ташкилотлар, шу жумладан йирик корхоналарнинг олий маълумотли мутахассисларга эҳтиёжини аниқлаш ва мутахассисларга қўйиладиган талабларни шакллантириш амалиёти йўлга қўйилади;

танлов ғолибларини салоҳиятли иш берувчи ташкилотлар буюртмасига кўра индивидуал касбий таълим дастурлари асосида касбга дастлабки тайёрлаш тадбирлари молиялаштирилади;

индивидуал касбий таълим дастурларида ишлаб чиқариш объектларида амалиёт ўташ ва чет элдаги олий таълим ташкилотларида қисқа муддатли ўқув курсларида қатнашиш имконияти яратилади.

2. Белгилансинки:

Дастур “Ўзмиллийбанк” АЖ томонидан ҳудудларда, шу жумладан аутсорсинг асосида ташкил этиладиган “Келажакка қадам” марказлари (кейинги ўринларда – Марказлар) орқали амалга оширилади;

барча олий таълим ташкилотлари Дастур иштирокчилари ҳисобланади ва талабаларни ишга жойлашга кўмаклашиш бўйича Марказлар билан ҳамкорлик келишувларини тузади.

3. Дастурни амалга ошириш мақсадида “Ўзмиллийбанк” АЖга Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан:

80 миллион АҚШ доллари эквиваленти миқдорида 10 йилга, шу жумладан 3 йиллик имтиёзли даври билан Марказий банкнинг асосий ставкасига тенг фоизда;

20 миллион АҚШ доллари эквиваленти миқдорида талабаларни касбга тайёрлаш ва уларнинг касбий амалиёт ўташ харажатларини молиялаштириш учун беғараз асосда маблағ ажратилсин.

4. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги “Ўзмиллийбанк” АЖ билан биргаликда:

бир ой муддатда Дастурни амалга ошириш бўйича услубий қўлланмалар ва Марказлар фаолиятини ташкил этиш тартибини тасдиқласин;

мазкур қарорнинг мазмун-моҳиятини барча олий таълим ташкилотларига етказиш, иш берувчилар ва талабалар орасида кенг ёритиш чораларини кўрсин .

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри